

## АЛИШЕР НАВОЙ ҒАЗАЛЛАРИДА КИЙИК ОБРАЗИ ТАЛҚИНИ

**Хасанова Лайло Фирдавсиевна<sup>1</sup>,**  
**Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университети**  
**докторанти**  
**Аширова Махбуба Фирдавсиевна<sup>2</sup>,**  
**Тошкент амалий Фанлар университети "Чет тиллар"**  
**кафедраси катта ўқитувчиси**

## ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ОБРАЗА ОЛЕНЯ В ГАЗАЛЯХ АЛИШЕРА НАВОИ

**Хасанова Лайло Фирдавсиевна<sup>1</sup>,**  
<sup>1</sup>*Докторант Ташкентского государственного  
университета узбекского языка и литературы Узбекистан*  
**Аширова Махбуба Фирдавсиевна<sup>2</sup>,**  
<sup>2</sup>*Старший преподаватель кафедры «Иностранные языки»  
Ташкентского университета прикладных наук,*

## INTERPRETATION OF THE IMAGE OF THE DEER IN ALISHER NAVOI'S GHAZALS

*Khasanova Laylo Firdavsievna<sup>1</sup>,*  
<sup>1</sup>*Doctoral student of Tashkent State University of Uzbek  
Language and LiteratureUzbekistan*  
*Ashirova Makhbuba Firdavsievna<sup>2</sup>,*  
<sup>2</sup>*Senior teacher of the "Foreign Languages" department,  
Tashkent University of Applied Sciences*

**Аннотация:** Уибу мақолада Алишер Навоининг “Хазойин ул-маоний” куллиётига кирувчи газалларда ифода этилган, кийик, жайрон, газол, оҳу каби образларнинг мазмун-моҳиятини шарҳлашга кенг ўрин берилган бўлиб, бунда мазкур сўзларнинг ўзаро муносабати, этимологиясидан тортиб шоир шеъриятида юкланган маъно нозикликлари кенг тарзда ёритиб бершига интилган. Алишер Навоий лирикасида мазкур образдан қай даражада фойдаланган, деган саволга жавоб топшингизга кўмакчи бўлади, деган ниятимиз бор.

**Калим сўзлар:** Алишер Навоий лирикаси, маҷозий образлар, кийик, оҳу, жайрон, газол, кўнгил, кўз, масаввуф, тавҳид гояси.

**Аннотация:** В данной статье большое место отведено трактовке смысла и сущности таких образов, как олень, джейран, газель, оху, выраженных в газелях сборника Алишера Навои «Хазайн уль-Маони», который стремился осветить. Надеемся, что это поможет вам найти ответ на вопрос, насколько Алишер Навои использовал этот образ в своих текстах.

**Ключевые слова:** лирика Алишера Навои, образные образы, олен, сердце, глаз, мистика, идея тевхида.

**Annotation:** In this article, a large place is devoted to the interpretation of the meaning and essence of such images as deer, goitered gazelle, gazelle, ohu, expressed in the ghazals of Alisher Navoi's collection "Khazain ul-Maoni", which he sought to illuminate. We hope that this will help you find the answer to the question to what extent Alisher Navoi used this image in his texts.

**Key words:** Alisher Navoi's lyrics, figurative images, deer, heart, eye, mysticism, the idea of tevhid.



<sup>1</sup> <https://orcid.org/0000-0002-5242-0918>

<sup>1</sup> [hasanovalaylo12@gmail.com](mailto:hasanovalaylo12@gmail.com)



<sup>2</sup> <https://orcid.org/0009-0002-1355-6828>

<sup>2</sup> [mfashirova@gmail.com](mailto:mfashirova@gmail.com)

## **Кириш.**

Шарқ мумтоз адабиётида оху, кийик, жайрон, ғазол каби образлар тез-тез истифода этилганлигига кўзимиз тушади. Мазкур образнинг бадиий адабиётда тутган вазифаси қандай? Бадиий адабиётдага салмоғи қай даражада? Шу каби саволларга жавоб бериш мақсадида Алишер Навоийнинг “Хазойин ул маоний” куллиёти мисолида тадқиқ этамиз.

## **Адабиётлар таҳлили ва метод.**

Мазкур образларнинг мазмун-моҳиятини ўқувчига талқин қилишда герменевтик, комплекс ёндашув, тизимили-функционал ёндашув, қиёсий таҳлил, анализ, синтез каби методларга таянган ҳолда ёритиш мақсад қилинди. Шу маънода мазкур образларнинг ўрганилиши масаласига кенгроқ тўхталиниб, олимлар қандай қараш ва фикрларни илгари сурғанлигига аҳамият берилди. Шунингдек, олимларнинг қарашларида акс этмаган талқин ва таҳлил берилишига ҳаракат қилинди.

Мадвалиев таҳрири остида чоп этилган изоҳли лугат[18]ида бу кийик, жайрон, ғазол ва оху сўзлари ўзаро синоним эканлиги қайд этилган. Тилшунос олим Бахтиёр Абдушукуров “Алишер Навоий асарларидаги зоонимлар” номли мақоласида кийик, ғазол, оху каби сўзларнинг этимологияси бўйича қизиқарли маълумотлар тақдим этган[1, 218]. Унга кўра, жайран туркий, оху форсий, ғазол арабчадан олинган. Адҳам Жебакжиўли тасаввуф терминлари луғатида оху кўз[19, 208] ва ғазоли раръно[21] га таъриф бериб ўтади. Шунингдек, Низомиддин Маҳмудов ва Дурдана Худойберганова томонидан яратилган ўхшатишлар луғатида ҳам кийик, оху ҳақида маълумотлар берилиганини кўришимиз мумкин. Бунда кийик образи чаккон, хушёр, беозор, учқур, учмок, жуда тез ҳаракатланмоқ; ҳуркак, ҳуркмоқ маъноларни[7, 113], оху чақкон, тутқич бермас, учмоқ, елмоқ, енгил ва тез ҳаракат қилмоқ, ҳуркак нозик (асосан аёллар назарда тутилади) маъноларини[7, 169] ифода этиши келтирилган.

Алишер Навоий ўзи “Насойим ул мухаббат” асарида Амир Ҳусайнин билан боғлиқ ривоятни келтирап экан, кийик билан боғлиқ воқеа сабаб, кийикнинг сўзлари билан

тавба қилиб, тариқат йўлини тутганлигини ҳикоя қилади[2, 461]. Азиз Қаюмов “Нодир саҳифалар” асарида кийикларни мазлумлар рамзи [3, 15] сифатида келтиради, бошқа ўринда Юнус пайғамбарнинг кийикни эмизиши билан боғлиқ ривоятни келтириб ўтади [3, 58], Максуд Шайхзода ўз асарида кийикларни оддий ҳалқ сифатида талқин қилиб, унга арслонларни зидлаштирган[15, 43]. Олим Шарофиддинов “Алишер Навоий” номли китобида кийиклар Қайснинг овунчоги ва ҳамдамига айланганлигини айтиб ўтади[16, 154]. Содиржон Эркинов ўзининг китобида Фарҳоднинг кийиклар ва ваҳшийлар билан бўлган муносабатини Сулаймонга ўхшатади[17, 133]. Сирдарё Ўтанова ўзининг монографиясида ёрнинг қип-қизил кўзларини лолазорда афанаётган кийикка ўхшашини келтириб ўтади [4, 200]. Нурсатулла Жўмахўжаев мақоласида маъшуқаннинг кўзини охунинг гўзаллиги, ҳуркаклиги ва ўйноқилигига ишора қиласи. Матназар Абдулҳаким ҳам худди байтнинг талқинини келтиради. Унга кўра, оху – бокириалик, ювошлик рамзи 9].

## **Муҳокама.**

*Кўзунг Ҳўтанд кийигидур, юз узра холларинг  
Магарки нофасидин мушк сочти ул оху.*

Асосан, кўз истилоҳи билан биргаликда қўлланиладиган бу образда қандай маънолар яширинган? Тасаввуф луғатларида илоҳий файзнинг манбаси, ҳаққа етишган комил орифнинг қалби, ҳаёт чашмаси, оби ҳаёт, илоҳий маърифатнинг манбаси ва асоси [21]. Тасаввуфда кўз – ҳаққа етишган ориф.

Нофа тасаввуфга кўра, валиларнинг мушк каби хуш бир ҳид таратиши, бу ҳид қўлланган нарсаларига ҳам юқади. Валиларнинг жисми ва кўмилган тупроклари ҳам кучли хушбўй таратади. Бу ҳид ҳазрат Ёқубнинг Мисрдан Ҳазрат Юсуфнинг исини, Ҳазрат пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) Вайсал Қаранийнинг исини Ямандан олишига имкон, деган маънавий бир ҳид сифатида талқин этилади. Байт мазмуни кўзинг – Ҳўтанд кийиги, юзингдаги холлар оху нофасидан мушк сочган ҳолатига ўхшайди. Маъшуқа – ҳаққа етишган ориф, ўша ноёб маънавий ҳид билан боғлиқ ҳодиса

охунинг нофасидан мушк сочилган ҳодисага менгзалган. Ёрнинг юзидағи холлари мушк сочган нофани эслатади. Шу тарзда Алишер Навоий бадиий воситалардан моҳирона фойдаланиш орқали гўзал санъат намунаси яратишга эришади.

*Кўзунг Чин газолио остида холи,  
Анинг нофасидин топиб мушки Чин ҳам*

Бу ерда Чин ғазоли кўзга менгзалади. Унинг нофаси эса кўз мардумига ўхшатилганини кўришимиз мумкин. Юқоридаги каби бу ўринда ҳам хол ва нофа ўзаро қиёсландади.

*Ун чекармен ишқ аро, бир нарғиси жоду  
кўруб,*

*Бағлаган итдекки, фарёд айлагай, оҳу кўруб,*

Тасаввуфда нарғис кўз соликнинг юксак даражасининг сир тутилиши. Баъзан вали эканлигини ўзи билади, халқ билмайди ва аксинча, баъзан халқ билади, ўзи билмайди. Фарёд эса ўзини унтиб, баланд овоз билан Аллоҳга илтижо қилиши. Байт мазмуни оҳуни кўриб фарёд қилган ит каби бир нарғис кўзлини кўриб ун чекарман. Аллоҳнинг дўстини зотни кўриб, Аллоҳга илтижо қиласан. Ҳудди оҳуни кўриб фарёд қилган итдек, яъни оҳу – Аллоҳга яқин зотни кўриб, Аллоҳга илтижо қилган, солик сингари.

*Гар кўнгул оҳу кўзунг оллида лойиқ бўлмаса,  
Итларингга бўлсун, эй шўхи ситамкорим,  
фидо.*

Оҳу кўз – тасаввуф адабиётида Аллоҳнинг Саттор сифати билан қўлланган кулларининг барча гуноҳларини кечириши, унга қайси хатоларни қилганини ишора бериши. Бу қулига хайрлиси учун жамолининг тажаллиси, Аллоҳнинг унга бўлган лутф ва инояти дейилади тасаввуф лугатида [21]. Байт мазмуни: агар кўнгил оҳу кўзинг оллида лойиқ бўлмаса, эй шўхи ситамкорим, итларингга фидо бўлсин. Демакки, *агар кўнгилим сени кечиришинг учун лойиқ бўлмаса итларингга бўла қолсин бундай кўнгил дейилади.* Тасаввуфда ўзини-ўзи маломат қилиши ва доимо хокисор бўлиш тариқатнинг асосий хусусиятларидан саналади. Бундаги соликнинг мазкур кайфияти қалбнинг тафтиш қилиш ҳамда тозартиришга бўлган истагидан юзага

келади. Тасаввуфда асҳоби қаҳф билан боғланувчи ит Қитмир истилоҳи билан ҳам ифодаланиб, сўфи бўлмагани ҳолда суфийлар орасидан ўрин олган зотга нисбат берилади. Кўнгил эса тажалли ойнаси, Унинг исми ва сифатлари энг мукаммул шаклда тажалли этадиган жой сифатида талқин қилинади. Шунингдек, комил инсонни ҳам назарда тутади. Агар менинг сенинг ризолигинг учун қилган ҳаракатларим кечиришинг учун бўлмаса, суфийлар орасида ўрин топган зотлар учун фидо бўлсин, деган мазмунни ифодалайди. Солик бир итнинг садоқати билан шайхларнинг эшигидан кутишни ва увлашни шараф деб билган. Тасаввуф лугатида Баҳовуддин Нақшбанд Абдуқодир Ғilonийнинг қабрига шундай ёздиртирган: Агар ҳаққа яқин бўлишни истасанг., пирларнинг эшигига ити бўл” дейилади [20, 315]. Назаримизда, сулук босқичида йўлда бораётган инсоннинг муайян бир ҳолда эканлигини акс эттиради.  
*Ҳажр дашитида кўзи сори борур шайдо кўнгул,  
Телба саҳро сайрида борганд кеби оҳу сари.*

Кўз тасаввуфда бир нарсанинг Аллоҳнинг илмидаги сурати, моҳияти. Кўринишидан аслияти, моҳияти бошқа бўлган нарса. Аллоҳнинг ҳар нарсани кўриш-билиш сифатига ишора қиласади. Телбалик ҳақнинг ошиқларини ҳақдан бошқа бир нарса билан машғул бўлмаслиги, илоҳий ишқдан сармаст бўлиш, телба бўлмагани ҳолда телба каби кўринишилари. Яна бошқача айтганда ошиқнинг ишққа этиши ҳамда нафсининг устидан ҳоким бўлиши. Кўз ҳаққа этишган орифнинг қалби. Демак, комил қалбга интилаётган кўнгилнинг ҳажрда чеккан дардлари, оҳу – маъшуқа, комил инсон. Илоҳий ишқдан сармаст кўнгилнинг комиллик сари йўли шу тарзда гўзал ифода этилади.  
*Тонг йўқки, кўзунг бўлса кўнгул бирла мулоиб,  
Мажнунга ажаб йўқ, агар оҳу била ўйнар.*

Ажаб эмаски, кўзинг кўнглим билан ўйнашса, Мажнун оҳу билан ўйнаганини нима ажабланарли жойи бор. Нусратулла Жумахўжа мазкур байтни талқин қилар экан, маъшуқанинг кўзи оҳунинки сингари гўзал, ҳуркак, ўйноқи эканилигини айтиб ўтади [9, 317]. Кўзниг ҳаққа етган комиллигиини хисобга олсак, кўнгилнинг унга интилишида ҳеч ажаб-

ланарли ўрин йўқ. Жунуннинг оҳу (маъшука) билан ўйнашганида не ажиблик бор. Демакки жунунлик тавҳид ййўлида жидду жаҳд қилган зот маъносини билдирап экан, унинг Аллоҳдан бошқа ни хаёли бўлиши мумкин. Шу каби:

*Навоийдек агар нафс итилигидин қилмагаймен  
рам,  
Қачон гардун манга ром айлагай раъно  
газолимни.*

Қачон тақдир менга раъно газолимни ром айласа – унга мафтун бўлсан, Навоийдек, нафс итидан чўчиб қочмас эдим. Яъники, илоҳий ишқдан сармаст бўлган соликнинг тавҳид ҳолига келишиамда унга нафснинг кутқу солиш ҳавфи йўқолиши шу тарзда байтларга сингдирилган.

*Бил, Навоийки, гизолингча эмас,  
Чин гулистонида оҳу раъно.*

Тасаввуф китобларида оҳу раъно азалий ишқ сифатида талкин этилади. Шу маънода бу байтда Навоий Хўтан охусининг газаллиги Навоийнинг охусича эмаслигини, унинг гўзаллиги нақадар бетакрор ва бениҳоя эканлигини ифода этади. Яъники Навоий ўз қалбидаги ишқнинг чегарасини шу тарзда тасвирлайди.

*Асру ваҳшийдур менинг мушкин гизолим, эй  
кўнгул,*

*Чин кийиги гўйиё бермиши анга түққонда сут.*

Худди шу каби мана бу байтда ҳам Навиой Хўтан охусини қаламга олади. Унинг гизолининг тутқич бермас эканлиги, жуда ҳам аямас эканлиги гўё унинг туғилганида охусига Чин охуси сут бериб озилантиргандек дейди.

*Лолагун тўн ичра, ё раб, ул газоли Чин эрур*

*Ё кўзумнинг мардуми қон ёш ила рангин эрур.*

Бошқа бир ўринда лирик қаҳраман Чин газолининг лолугун тўн ичиди эканми ёки ошиқнинг кўзи қорачиғи қонли ёш билан рангланганми билмоқ ситагида иккиланади. Тасаввуфда лола маърифатларнинг натижаси бўлган томоша. Севгилининг, ошиқнинг яralаган, гул рангли чехраси. Лола билан Аллоҳнинг, абжад ҳисоби билан рақам қиймати бб ни ифода этганлиги учун Аллоҳнинг ва унинг бирлигининг ва гўзалигининг рамзи сифатида қаралади.

**Натижалар.**

*Жоми заррин тутки, бўлмас меҳр кўргузмак  
била,  
Кимсага заррин гизоли чархи кажрафтор  
сайд.*

Ғазалга яна ҳам бошқа маънолар сингдирилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, шоир бу ўринда заррин ғизоли – қуёш маъносини ифода этади.

*Фано йўли кийикни айла сайд, шер эрсанг  
Ки, даҳр жийфасини жўстужў қилур итлар.*

Ушбу байт адабиётшунос олим Нурбой Жаббиров томонидан гўзал шарҳланган бўлиб, фано йўлининг кийигини овламоги – ўзликдан кечиши йўлида бамисоли тутқич бермас кийикдай мақсадга эришиш имконини бермайдиган тўсиқларни мардонавор енгиб ўтмоғи зарур, дея изоҳ беради [22]. Байт мазмунини эса шундай келтиради: Ҳазрат Навоий мазкур кудсий ҳадис мазмунига ишора қилиб, дунё ўлимтиги итларнинг ўлжаси эканини таъкидлар экан, камолотга эришмоқчи бўлган инсон этагини ўлакса билан булғамаслиги, дунёпаратслиқдан баланд турмоғи зарурлигини уқтиради. Чунки барча гуноҳ ишлар, инсонни тубан даражага туширувчи жами жиноятлар дунёпаратслиқдан, дунё молига хирс қўйишидан келиб чиқади [22].

*Қомати ҳажрида ҳар ён ёрадин қонлиг кўнгул  
Бир кийикдекдурки, ўқ заҳми била бўлмии  
фигор.*

Бошқа бир ўринда шоир кўнгли ва кийикни бир-бирига ўхшатади. Ҳажрдан яра бўлган кўнгилни ўқ заҳридан фигор бўлган кийикка менгзайди.

*Белинг сарриштасига мубтало бўлғон кўнгул  
сайди,  
Кийикдекдурки, маҳкам айламиши йўлин камар  
ҳар ён.*

Ушбу байтда ҳам кўнгил ва кийикнинг бир-бирига ўхшатилганлигини кўрамиз. Айнан бу ўринда ёрнинг сочига ошиқ бўлган лирик қаҳрамон кўнгли ҳар томондан камар бойланган кийикдек эканлиги хусни таълил санъати орқали тасвирланади. Зулф тасаввуфда ҳар кимсанинг етиша олмайдиган тайб олами, Ҳақнинг зоти ва моҳияти. Қоронғулик (кора соч) қанчалар мажхул бўлса Ҳақнинг зоти ҳам

шунчалар мажхул. Шу тариқа соликнинг муйян ҳолга келиши гўзал бўёкларда чизиб берилади.

**Хулоса.** Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий лирикасида кийик, оху, ғазол ва жайран кабилар мазмунан синоним бўлиб, бу образга юкланган маъно катта салмоқга эга.

Асосан, жайроннинг қўзининг гўзаллиги, ўзининг хуркак ва чопқир эканилиги шеъриятда мажозий мазмунни теран ва таъсирли бўлишига асос бўлган. Алишер Навоий шеърларидаги кийик образи қўз концепти билан ёнма ён санъат ҳосил қилишга хизмат қиласди.

Яна бу образнинг шеърларда қуёш ва кўнгилга ўхшатилишини ҳам учратишимииз мумкин. Бу тасвиirlарни тасаввуф ғоясини акс эттиришда, маъно нозикликларини кўнгилга сингдириш учун яратилган гўзал, таъсирчан ифодалар сифатида қабул қилишимиз мумкин.

#### **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. “Алишер Навоий ва XXI аср”: мақолалар тўплами; / масъул муҳаррир Ш. Сирожиддинов. – Т.: Tamaddun, 2017. – 316 б.
2. Алишер Навоий. Насойимул-муҳаббат. МАТ. 20 жилдлик. Ж.17. -Т: Фан-2001. -Б.461.
3. Истиқлол даври ўзбек навоийшунослиги: 30 жилдлик / Азиз Қаюмов: Нодир саҳифалар; Сўйима Фаниева: Навоий насли нафосати; Навоий ёдга олган асарлар; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. Т.: TAMADDUN, 2022. 348 бет;
4. Истиқлол даври навоийшунослиги: 30 жилдлик / Зухра Мамадалиева: “Лисон ут-тайр” образлари: рамз ва мажоз олами; Сирдарёхон Ўтанова: Алишер Навоий ғазалиётида ранг символикиси; София Жумаева: Алишер Навоий шеъриятида рамзий рақамлар талқини; нашрга тайёрловчилар О. Давлатов, Д. Юсупова; Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фонди. – Т.: TAMADDUN, 2022. – Б. 200
5. Куръони Карим (Аловиддин Мансур таржимаси), 2004. <http://forum.ziyouz.com/index.php?topic=160.0> 19.
6. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. 384 б.
7. Махмудов Низомиддин. Ўзбек тили ўхшатиларининг изоҳли лугати / Н. Маҳмудов, Д. Худойберганова. – Тошкент: «Маънавият», 2013. –Б. 113.
8. Муллахўжаева К., Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадиий санъатлар уйғунлиги, ф. ф. н. даражасини олиш учун диссертация, Т., 2005.
9. Навоий ғазалиёти талқинлари [Матн]: тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Н. Жумахўжаев. – Тошкент: «O‘zbekiston» НМИУ, 2018. – 384 б.
10. Навоий, Муқаммал асарлари тўплами. (бешинчи жилд), Т.: Фан, 1990
11. Навоий, Муқаммал асарлари тўплами. (олтинчи жилд), Т.: Фан, 1990 5.
12. Навоий, Муқаммал асарлари тўплами. (тўртинчи жилд), Т.: Фан, 198
13. Навоий, Муқаммал асарлари тўплами. (учинчи жилд), Т.: Фан, 1988
14. Хасанова Лайло Фирдавсиевна (2021). Interpretation of dog image in Badoe'u-l-bidoya // Mental Enlightenment Scientific-Methodological Journal, Volume 2021, Issue 4, 8-1-2021
15. Шайхзода Мақсуд. Асарлар. б томлик. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. Т. 4. Ғазал мулкининг султони. (Алишер Навоий ҳақидаги тадҳиҳот ва маҳолалар мажмуаси). Нашрга тайёрловчи Н. Маллаев. 1972. 372 б.
16. Шарафиддинов Олим. Алишер Навоий. (Ҳаёти ва ижоди). Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Ш. Абдуллаева. Муҳарри Раҳмат Мажидий. – Т.: Fafur Гулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти. 1971. – 192 бет.
17. Эркинов Содир. Навоий «Фарҳод ва Ширин»и ва унинг қиёсий таҳлили (Масъул муҳаррир С. Фаниева). Т., «Фан», 1971. 276 бет
18. Ўзбек тилининг изоҳли лугати: – Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2006.
19. Ҳомидий Ҳамиджон Тасаввуф алломалари. – Т.: «Шарқ». 2004. – 208 б.
20. Süleyman Uludağ Tasavvuf terimleri sözlüğü, İstanbul.– 1995
21. [https://www.academia.edu/7602562/TASA\\_VVUF\\_TER%C4%B0MLER%C4%B0 VE DEY%C4%B0MLER%C4%B0 S%C3%96ZL%C3%9C%C4%9E%C3%9C](https://www.academia.edu/7602562/TASA_VVUF_TER%C4%B0MLER%C4%B0 VE DEY%C4%B0MLER%C4%B0 S%C3%96ZL%C3%9C%C4%9E%C3%9C)
22. <https://t.me/nurboyjabborov/38>